

## ЎЗБЕК КУРАШИНИ ОММАЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.

Ш.Б.Джумакулов  
ЎзДЖТСУ.

Спорт ҳуқуки, ижтимоий ва табиий-илмий фанлар кафедраси профессори в.б.

Р.Т.Казоков  
ЎзДЖТСУ.

Спорт ҳуқуки, ижтимоий ва табиий-илмий фанлар кафедраси ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11180249>

**Аннотация.** Мақолада тарихдан миллий курашнинг халқ маросимлари, миллий байрамлар негизида авлоддан-авлодга ўтиб келишида маҳалланинг ўрни ва бугунги кунда ёшлиаримиз орасида маҳаллаларда ўтказилаётган маънавий тарғибот-ташивиқот тадбирлари ёрдамида миллий курашини янада оммалаштириши масаласи ўрганилган.

**Ключевые слова:** Маҳалла, миллий кураш, маънавий-ахлоқий қадрият, урф-одат, анъана.

## ISSUES OF PROMOTION OF UZBEK WRESTLING.

**Abstract.** The article examines the role of the neighborhood in the passing of the national struggle from generation to generation on the basis of national ceremonies and national holidays, and the issue of further popularizing the national struggle with the help of spiritual propaganda-propaganda activities held in the neighborhoods among our youth today.

**Key words:** Neighborhood, national struggle, moral value, custom, tradition.

## ВОПРОСЫ ПРОДВИЖЕНИЯ УЗБЕКСКОЙ БОРЬБЫ.

**Аннотация.** В статье изучена историческая роль махалли в передачи из поколения в поколения национальной борьбы «Кураш» на основе народных обрядов, национальных праздников, а также вопросы дальнейшей популяризации «Кураш» среди молодёжи с помощью духовно-пропагандистских мероприятий проводимых в махаллях.

**Ключевые слова:** Махалля, национальная борьба, духовно-нравственные ценности, обычаи, традиции.

**Долзарблиги.** Охирги йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар дикқатга сазовордир. Ўзбек курашини оммалаштириш, ёшларнинг миллий курашимиз билан шуғулланишлари учун керакли шароитларни яратиб бериш, уларни ушбу спорт турига бўлган қизиқишини янада кучайтириш, ушбу спорт турини Олимпияда ўйинлари дастурига киритишга эришиш асосий вазифалардан биридир. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “...жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш яна бир долзарб вазифадир” [1]. Айниқса, жамият тараққиётининг асоси ҳисобланадиган ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлашда, улар онгидаги маънавий маданиятнинг таркибий қирраларидан бири соғлом турмуш маданиятини шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрда қабул қилинган “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш, азал-азалдан олижаноблик,

мардлик ва ҳалоллик тимсоли бўлган, ҳалқимизнинг бир неча минг йиллик тарихга эга миллий-маданий меросининг бир қисми ва бебаҳо бойлиги Кураш спорт турини мамлакатимиздаги ҳар бир маҳаллада оммалаштириш вазифасини кўяди [2].

Кураш спорт тури минг йиллар давомида мамлакатимизда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, маҳаллаларда ўтказиладиган анъанавий ҳалқ маросимлари, миллий байрамлар ва ҳалқ сайилларининг кўрки сифатида эъзозланиб келинмоқда.

Кураш ҳақидаги илк маълумотлар Сурхон ва Зарафшон воҳалари, Фарғона водийси, Сармишсой дараларида аниқланган тасвирий санъат намуналари акс этган осори-атиқаларда, қоятошларда ва ғорларда учраши ҳам ушбу спорт турининг нечоғли қадимий эканлигидан далолат беради.

Буюк алломаларимиз Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк”, Алишер Навоийнинг “Ҳамса”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” каби асарларида Кураш спорт тури ҳақида қимматли маълумотлар бериб ўтилган. Абу Али ибн Сино ўз асарларида одам гавдасининг мутаносиблиги ва унинг ҳаракати механикасини ўрганади. У жисмоний тарбиянинг киши организмига ижобий таъсир кўрсатишини назарий жиҳатдан исботлади ва уни қўллаш йўлларини ишлаб чиқди. Ибн сино турли машқлар орасида меъёри билан узоқ ва тез югуриш, кураш тушишни алоҳида таъкидлаган [3].

Ушбу маълумотларга таянган ҳолда кураш спорт турини минг йиллар давомида ўз бағрида асрар ҳалқ маросимлари, миллий байрамлар негизида авлоддан-авлодга ўтказиб келаётган маҳалла институтида мамлакатимизнинг барча худудларида янада оммалаштириш ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбек курашини мамлакатимизнинг барча вилоят ва туманларида оммалаштириш, ушбу спорт турининг инсон саломатлигида тутган ўрнини, ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш, уларни соғлом, мард, ватанпарвар қилиб тарбиялашдаги аҳамиятини очиб беришдан иборатdir.

### **Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси.**

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, ёш авлодни маънавий ва жисмоний соғлом, баркамол қилиб тарбиялаш, оила, оналиқ ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш, ҳар бир фуқарода соғлом турмуш маданиятини шакллантириш борасида муҳим ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамияти қуриш йўлидан борар экан, қадриятлар ва анъаналарнинг маҳсули бўлган маҳалла мазкур йўналишда давлатнинг асосий таянчи бўлиб қолади. Ўзбек ҳалқи учун Ўрта Осиёда яшовчи бошқа ҳалқларда бўлганидек, маҳалла бир неча асрлардан бери давлат ва бошқарувнинг негизи бўлиб келган, яъни бундай жамоаларда одамлар фақат худудий, қўшничилик билангина эмас, ички маънавий-ахлоқий қадриятлар билан ҳам узвий боғланганлар.

Аждодларимиз ёш авлодни тарбиялашида қўл келадиган ҳалқ анъаналари, урф-одатларини айнан маҳаллаларда кенг тадбиқ этишган. Жумладан кураш спорт турига қадимдан маҳалланинг кичик бўғини бўлган оиласда катта аҳамият берилган. Қадимги юонон ёзувчиси Элиан Клавдийнинг маълумотларига қараганда Ўзбекистон худудида истиқомат қилган сак қабилалари ҳаётида жисмоний тарбия воситасининг негизи сифатида кураш

спорт тури кенг тарқалган бўлиб оила қурмоқчи бўлган ёш йигитлар ўзлари уйланадиган бўлғуси қалликларини курашда енгиши керак бўлган[4]. Демак бундан кўриниб турибдики кураш билан оиласда нафақат ўғил болалар балки қизлар ҳам шугулланишган.

Чех профессори А.Вамбери XIX аср бошларида Ўрта Осиёга қилган сафарида Туркистон ҳалқи тўғрисида очерк ёзди, унда “Оиласда фарзанд туғилганига 40 кун тўлганида, яни чақалоқнинг чилласи чиққанидан кейин байрам бошланади. Байрам арафасида ҳар хил ўйинлар ташкил қилиниб охири полвонлар беллашадилар” дейилади.

С.П.Толстой “Ўзбек ҳалқининг тарихи” китобида берган маълумотларида XIX асрда ўзбекларнинг ҳамма диний байрамларида, масалан, ийди рамазон, қурбон ҳайит, наврӯз ҳамда сайилларда миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилгани, бунда курашга алоҳида аҳамият берганликлари ҳақида ёзди. Юқоридаги фикрлардан ҳалқимиз ҳаётида кураш спорт турининг аҳамиятини нечоғлик катта эканлигини, бу спорт тури маҳалла ва гузарларимизда ташкил этилган мусобақалар орқали ривожланиб келгани, курашнинг оммалашиши, авлоддан-авлодга ўтиб келишида ҳалқимизнинг қадимий институти маҳалланинг ўрни бекиёс эканлигини англаш етишимиз мумкин. Масалан “Туркестанские ведомости” газетасининг 1909-йил 18- март сонида чоп этилган мақолада, эски Тошкентнинг “Шайхонтепа” гузарида ҳар куни ўзбек полвонларининг кураши ҳақида қизиқарли воқеалар баён этилган. Шундай кураш “Эски отбозорда”, Ўрдада ҳар жума куни ташкил этилгани қайд этилади [5]. XX асрнинг бошларида миллий кураш мусобақалари кенг қулоч ёзганидан кўрқкан подшо ҳокимияти мусобақаларни ман қилмоқчи бўлади.

Шундан кейин Тошкентдаги губернатор рухсатсиз мусобақа ўтказишни ман қилган.

Бу тақиқлар миллий кураш мусобақаларини тўхтатиб қўя олмаган. Курашчилар беллашувлари ғалаба, оиласий тантана ёки мавсумий байрамлар муносабати билан ўтказиладиган байрамлар безаги бўлган [6]. Миллий кураш мусобақалари маҳалланинг обрўли оқсоқоллари, эл таниган кекса полвонлари, беллашувларда ўртани олиб борган баковуллар ҳамжиҳатлигига ташкил қилинган.

Мустақилликка эришганимиздан кейин кураш спорт турини ривожлантириш ва жаҳонга олиб чиқиш учун жуда катта амалий ишлар қилинди. 1992 йил августда Шахрисабз шаҳрида биринчи расмий турнир ўтказилган бўлса, 1998 йил 6 сентябрда сайёрамизнинг беш қитъасидаги 129 та миллий федерацияни бирлаштирган Кураш ҳалқаро ассоциацияси таъсис этилди.

2017 йил айниқса ўзбек миллий кураши тарихида ёрқин саҳифа бўлди. Сентябрь ойида Туркманистанда бўлиб ўтган Осиё олимпия кенгаши Бош ассамблеяси йигилишида ушбу миллий спорт турини Осиё ўйинлари дастурига киритиш ҳақида қарор қабул қилинди. Энди жаҳон спорт майдонларида “ҳалол”, “ғирром”, “чала”, “ёнбош” деган сўзлар жаранглаб, ўзбек номини дунёга тараннум этадиган бўлди.

Юртимиз вакилларининг Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари ва чемпионатлари ҳамда ҳалқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришаётгани, дунёда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори ва спорт салоҳияти янада ошаётгани, республикамиз ҳудудларида жаҳон андозаларига мос муҳташам спорт иншоотлари барпо этилаётгани, ўқувчи ва талаба ўшлар ўртасида уч босқичдан иборат “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт ўйинлари оммалашиб бораётгани айниқса эътиборлидир[7].

Ушбу ҳаракатларимиз давомли бўлиши мамлакатимизнинг ҳар бир маҳалласида, оиласида миллий курашимизни оммалаштириш, ёшларимиз бу спорт тури билан мунтазам шуғуланиш орқали соғлом турмуш тарзига ўрганиши, шу билан бирга курашнинг миллий қадрият сифатида кейинги авлодларга ўтишига хизмат қилиши керак.

**Хулоса** ўрнида юқоридагилардан келиб чиқиб миллий курашни маҳалла институти орқали оммалаштириш учун қуийдаги тавсиялар берилади:

-Кураш спорт турининг тарихий ривожланишини ёшларимиз онгига сингдириш мақсадида маҳалаларда шу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган тарихчи олимлар билан ёшлар ўртасида очиқ мулоқотлар ташкил қилиш;

-Ёшлар ўртасида ватанпарварлик ғоялари орқали кураш спорт турига қизиқиши кучайтириш мақсадида халқ оғзаки ижоди наъмуналари, халқимизнинг буюк саркарда ва қаҳрамонлари Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур кабиларнинг ҳаётий фаолияти акс эттирилган маънавий тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш;

-Маҳалла ва мактаблар ҳамкорлигида кураш спорт тури билан шуғулланган кекса полvonлар, халқ сайиллари ва миллий байрамларда кураш мусобақаларини ўтказиша даврани бошқарган баковуллар билан учрашувлар ташкил этиш;

-Маҳаллаларда ёшларни кураш спорт тури билан шуғулланишга кенгроқ жалб этишга қаратилган халқаро мусобақалар ғолиблари ва совриндорлари иштирокида ташкил қилинган маънавий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш.

## REFERENCES

1. Ш. Мирзиёев “Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади” Т. “Ўзбекистон” -2019 й.
2. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрда қабул қилинган “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-3306-сонли қарори.
3. А.К.Атаев “Ёш ўсмирларга ўзбек курашини ўргатиш услубиёти” ўқув қўлланма Т. 2005 й.
4. Ф.Хўжаев, Т.Ачилов “Кураш ва якка кураш” ўқув қўлланма, Т. “Давр нашриёти” 2013 й.
5. А.Р.Таймуров, С.Ф.Атажанов “Спорт педагогик маҳоратини ошириш (Кураш)” ўқув қўлланма Т.2017 й.
6. Н.А.Тастанов “Кураш турлари назарияси ва услубияти” дарслик, Т.2017 й.
7. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июня қабул қилинган “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ”ти ПҚ-3031-сонли қарори.
8. Джумақулов Ш., Джўрабаев А. М., Махмудов А. И. ЎЗБЕК КУРАШИННИГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛANIШИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 126-133.
9. Болтабаев М. Р., Джумақулов Ш. Б. ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ //Fan-Sportga. – 2020. – №. 2. – С. 2-5.

10. Джумақулов Ш. Б. ТАЛАБАЛАРДА ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МОДЕЛИ //Research Focus. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 86-91.
11. Джумақулов Ш. Б. АКСИОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ //Fan-Sportga. – 2023. – №. 2. – С. 88-91.
12. Джумақулов Ш. Б. СПОРТЧИ ТАЛАБАЛАРДА ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ //Fan-Sportga. – 2023. – №. 3. – С. 52-55.
13. Джумақулов Ш. Б. СПОРТ ҲУҚУҚИ ДАРСЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ //Fan-Sportga. – 2021. – №. 5. – С. 66-68.
14. Джумақулов Ш. Б. МИЛЛИЙ КУРАШ СПОРТ ТУРИНИ ОММАЛАШТИРИШДА ТАРИХИЙ ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ //Fan-Sportga. – 2020. – №. 1. – С. 31-34.
15. Хасанов А. Б. и др. «FAN–SPORTGA» илмий-назарий журнали Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети.
16. Джўрабаев А. М., Казоқов Р. Т. Биомеханик таҳлиллар асосида енгил атлетикачиларнинг функционал тайёргарлигидаги корреляция алоқаларининг таҳлили //Yoshlarni qo 'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili" ga bag 'ishlangan. – 2021. – Т. 4. – №. 4. – С. 198-208.
17. Kazoqov R. T., Djurabaev A. M. Kredit modul tizimi nima //Ta'limni raqamlashtirish sharoitida pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish. – 2021. – Т. 4. – №. 4. – С. 198-206.
18. Казоқов Р. Т., Джўрабаев А. М. Юлдашева КА ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ РИВОЖЛANIШИ //SPORT MENEJMENTI VA MARKETINGI: MUAMMOLAR, TENDENSIYALAR VA ISTIQBOLLAR. – С. 1,237-240.
19. Казоқов Р. Т. и др. МАМЛАКАТИМИЗ ЯНАДА ЮҚСАЛИШИДА БОЛАЛАР СПОРТИНИНГ ЎРНИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 5-11.
20. Казоқов Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
21. Казоқов Р. Т. Кейс стади технологияларидан фойдаланиб талабаларнинг масофавий таълим технологиялари асосида педагогик маҳоратини шакллантириш //Замонавий футболни ривожлантириш тенденциялари: муаммо ва ечимлари. – Т. 11. – №. 1.
22. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 552-560.

23. Казоқов Р. Т., Мирзабдилаева А. И., Мирзабдилаева Х. И. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЊАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 8. – С. 29-34.
24. Казоқов Р. Т. и др. ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КЕЙС-СТАДИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 111-115.
25. Kazoqov R. T., Djurabaev A. M. Kredit modul tizimi nima //Ta'limni raqamlashtirish sharoitida pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish. – 2021. – Т. 4. – №. 4. – С. 198-206.
26. Давурбаева М. Ж., Казоқов Р. Т., Мадаминов М. П. ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 26-31.
27. Давурбаева М. Ж., Казоқов Р. Т., Мадаминов М. П. ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШДАГИ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 26-31.
28. Казоқов Р. Т. и др. КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ //GOLDEN BRAIN. – 2024. – Т. 2. – №. 8. – С. 69-77.
29. Казоқов Р. Т., Жўракўзиев О. О., Эшпўлатов С. С. СПОРТ МУАССАСАЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ТАДБИРЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЊАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 238-248.
30. Казоқов Р.Т., Бўриев Б.Ў., Абдиев Б.Ш., Джўрабаев А.М., Туропов А.Р.КУРАШ МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ // МИЛЛИЙ КУРАШ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ. - 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 161-163.
31. Джўрабаев А. М., Казоқов Р. Т. Биомеханик таҳлиллар асосида енгил атлетикачиларнинг функционал тайёргарлигидаги корреляция алоқаларининг таҳлили //Yoshlarni qo 'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili" ga bag 'ishlangan. – 2021. – Т. 4. – №. 4. – С. 198-208.
32. Bektorov O. Y. et al. MONITORING THE KNOWLEDGE, SKILLS AND SKILLS OF STUDENTS DURING THE TRAINING PROCESS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 342-352.

33. Kazoqov R. T., Bo'ronov A. B. SPORTDAGI DOLZARB YANGILIKLAR //Академические исследования в современной науке. – 2023. – Т. 2. – №. 15. – С. 47-56.
34. Казоқов Р. Т. и др. SPORT MENEJMENTI VA MARKETINGI: MUAMMOLAR //TENDENSIYALAR VA ISTIQBOLLAR. – С. 1-237.
35. Eshpo'latov S. S. METHODS AND PRINCIPLES OF IMPROVING TECHNICAL AND TACTICAL SKILLS AND PHYSICAL TRAINING OF YOUNG VOLLEYBALL PLAYERS //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 1296-1302.
36. Kazoqov R. T., Eshpo'latov S. S. YOUNG VOLLEYBALL PLAYERS ARE THE PROCESSES OF ORGANIZING TRAINING SESSIONS //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 1303-1310.
37. Pirmatov O. Z., Kazakov R. T. ROLE AND PLACE OF SPORTS AND ACTIVE GAMES IN THE GENERAL STRUCTURE OF EDUCATIONAL AND PRODUCTION PRACTICE //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 125-131.
38. Kazakov R. T., Rasulov Q. Q. TRAINING IN INTERNATIONAL WRESTLING TECHNIQUES AND TACTICS //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 9. – С. 180-186.
39. Axatov L. K., Burliyev U. K., Kazoqov R. T. AESTHETICS OF SPORTS SPECTACLE //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 19-28.
40. Kazoqov R., Akmuradov M. PSYCHOLOGICAL FOUNDATIONS OF JUDO //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 481-488.
41. Kazoqov R. T., Umaraliyeva F. T. DRAW A KINESICYCLOGRAM OF SHORT-DISTANCE RUNNING AND BUILD A TIMELINE //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 1201-1208.
42. Kazoqov R. T. et al. IMPROVEMENT OF TECHNICAL TRAINING OF SHORT-DISTANCE ATHLETES //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 1077-1084.
43. Kazoqov R. T. et al. STARTING TECHNIQUE IN SHORT DISTANCE RUNNING //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 1070-1076.
44. Xalmuxamedov R. et al. ANALYSIS OF THE DEPENDENCE OF THE CONDITIONS OF THE MIDDLE MOUNTAIN OF INDICATORS OF THE INTENSITY ZONES OF TRAINING TRAINING LOADS OF QUALIFIED BOXER WOMEN //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 473-483.
45. Shoyimardanov S. A., Bobomurodov A. E., Kazaqov R. T. FORMATION OF PEDAGOGICAL SKILLS AND SKILLS IN STUDENTS //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 425-434.
46. Jumayev U. X. et al. ANALYSIS OF THE FINANCIAL POLICY OF THE RUSSIAN EMPIRE IN OFFICIAL DOCUMENTS //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 1202-1209.

47. Ziyamuxamedova S. A., Kazaqov R. T., Shukurova S. S. SOME BIOCHEMICAL BLOOD RESEARCHES OF ROWERS DURING PREPARATION PERIOD AND CONTESTS //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 982-989.
48. Raxmatov B. S. et al. SHORT DISTANCE RUNNING TECHNIQUE //Modern Science and Research. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 990-1000.
49. Yugay L. P. et al. RECOVERY OF THE BODY OF SHORT-DISTANCE RUNNING ATHLETES DURING SPORTS TRAINING //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 365-371.
50. Akbarov A. et al. ANTHROPOMETRIC-PHYSIOLOGICAL INDICATORS OF MIDDLE-DISTANCE RUNNERS AND RECOVERY OF THEIR BODY DURING TRAINING //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 358-364.
51. Kim D. et al. PEDAGOGICAL ANALYSIS OF THE PARTICIPATION OF STUDENT ATHLETES IN THE SWEDISH TEAM AND THE SWEDISH TEAM IN THE UZBEKISTAN CHAMPIONSHIP IN HEIGHT ATHLETICS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 346-353.
52. Nurullayeva D. S. et al. ETHICAL PROBLEMS AND THEM IN THE FIELD OF NATURE SOLUTIONS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 480-486.
53. Kazaqov R. T., Djo'rabayev A. M. MEANS OF RECOVERY OF WORKING CAPACITY OF SHORT-DISTANCE RUNNERS //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 902-911.
54. Kazoqov R. T., Djo'rabayev A. M. DEVELOPMENT OF CYBER SPORTS IN UZBEKISTAN //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 893-901.
55. Yaqubov F. M. et al. METHODOLOGY OF SELECTION OF 10-12-YEAR-OLD PLAYERS AND ORGANIZATION OF TRAINING //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 1271-1279.
56. Казоқов Р. Т. ҚИСҚА МАСОФАГА ЙОГУРУВЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА MAXCUS ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК КҮРСАТКИЧЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ //Fan-Sportga. – 2022. – №. 7. – С. 53-55.
57. Djo'rabayev A. M., Kazoqov R. T. O'ZBEKISTONDA KIBERSPORTNI RIVOJLANISHI. – 2024.
58. Baltayeva I. T. et al. USE OF VIRTUAL LABORATORIES TO CONDUCT FOOTBALL TRAINING //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 709-718.
59. Baltayeva I. T. et al. CREATING AN INFORMATION-EDUCATIONAL ENVIRONMENT USING MODERN INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 700-708.
60. Melziddinov R. A., Akramov B. N., Kazoqov R. T. THE RELATIONSHIP OF THE EFFICIENCY OF TECHNICAL-TACTICAL ACTIONS OF FOOTBALL PLAYERS WITH THE LEVEL OF PHYSICAL PREPARATION //Modern Science and Research. – 2024. – Т. 3. – №. 2. – С. 1153-165.

61. Umarov D. X. et al. NATIONAL MOVEMENT FOR THE DEVELOPMENT OF PRIMARY CLASS STUDENTS' PHYSICAL PREPARATION USING GAMES //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 2. – C. 732-741.
62. Umarov D. X. et al. THE EFFECTIVENESS OF USING A SET OF SPECIAL EXERCISES IN ANNUAL PREPARATION TRAINING OF SHORT-DISTANCE RUNNERS //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 2. – C. 742-753.
63. Jumayev U. X. et al. " PEDAGOGICAL EDUCATION INNOVATION CLUSTER" MEANS COMMON GOALS AND SPECIFIC INTERESTS //Modern Science and Research. – 2024. – T. 3. – №. 2. – C. 552-560.
64. Turopovich K. R., Rixsibayevna D. S. ENHANCING ENGLISH LANGUAGE LEARNING THROUGH PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES. – 2024.